

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш, ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш мақсадида Термиз туман ҳокими Шухрат Назаровнинг навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Қабулда 20 нафар фуқароларнинг сув, электр энергияси ва газ таъминоти, тиббий ёрдам, бандлик, моддий ёрдам ва бошқа масалаларга оид мурожаатлари тингланди. Фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Айрим мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунча берилиб, ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар тегишли мутасаддиларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.